

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 134 (1195), 2024 йил 6 июль, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Фузулий шаҳри аэропортида олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Яқуб Аюбов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этиш учун Шуша шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини бу ерда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев кутиб олди.

ТДТ иштирокчи мамлакатлари делегациялари раҳбарлари Озарбайжон етакчиси ҳамроҳлигида Шуша шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Шуша “Қорабўғ дурдонаси”, “Кавказ санъати маркази” ва “Озарбайжон мусиқаси бешиги” номлари билан маълум. Шаҳар бир қатор таниқли фан, маданият ва санъат арбоблари ватанидир. 2021 йилдан буён Шуша Озарбайжоннинг маданий пойтахти ҳисобланади, 2023 йилда эса туркий

дунё маданий пойтахти деб эълон қилинган.

Жорий йилда Хива шаҳри ва Шуша шаҳри ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди.

Олий мартабали меҳмонлар Шушада ўттиз икки йил ичида биринчи марта қурилган турар жой мажмуасига ташриф буюрдилар. 23 та бинодан иборат уй-жой мажмуасининг умумий майдони қарийб 8 гектарни ташкил этади.

Сўнг етакчилар 2021 йилда таъминот тоши қўйилган янги замонавий масжид лойиҳаси ва уни барпо этиш жараёни билан танишдилар.

Озарбайжон раҳбари меҳмонларга шаҳар инфраструктурасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида сўзлаб берди.

Президентлар, шунингдек, XIX асрда Шушада қурилган биринчи масжид — Гавҳар Оға масжидини зиёрат қилдилар. Меҳмонлар бу ерда амалга оширилган реставрация ишларининг натижаларига юқори баҳо берди.

6 июль кунни Президентимиз Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этади.

Давлат раҳбарлари кенгашининг “Транспорт ўзаро боғлиқлиги ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш орқали барқарор келажакни барпо этиш” мавзусида бўлиб ўтаётган навбатдан ташқари йиғилиши кун тартибидан савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация ва инвестиция-молия соҳаларида, шунингдек, “яшил” иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергетика, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш борасида минтақавий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Тадбир якунида қатор қўшма ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Президентининг Озарбайжонга амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

“БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ” МАВЗУСИДАГИ ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази томонидан 3-4 июль кунлари “Буюк аجدодлар мероси — Учинчи Ренессанс пойдевори” мавзусида республика олимлари форуми ўтказилди.

Анжуманда мамлакатимиздаги етук олимлар, фан арбоблари, экспертлар, ёш тадқиқотчилар, диний соҳа вакиллари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Форумда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Ислон цивилизацияси маркази мамлакатимиз тарихида маданий-гуманитар йўналишда биринчи марта амалга оширилаётган улкан ва ноёб меғалойиҳа экани,

ушбу Марказ қисқа муддатда нафақат юртимиз, балки дунё миқёсидаги машҳур давлат ва сиёсат, дин арбоблари, таниқли олимлар, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотаётгани ва улар томонидан юксак эътироф этилаётгани алоҳида таъкидланди.

Форум доирасида ўтказилган илмий-амалий семинарларда қатнашчилар буюк аждодларимизга муносиб бўлиш, уларнинг шонли анъаналарини бугунги шароитда изчил давом эттириш, шу асосда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш мамлакатимиз илмий ва маданий жамоатчилиги олдидидаги эзгу ва олижаноб вазифа эканини қайд этдилар. Ислон цивилизацияси маркази фаолиятини самарали

ташкил этиш, жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса қўшган аждодларимиз илмий меросини тадқиқ қилиш каби масалалар муҳокама этилиб, тақдиротлар ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Марказ олдидида улкан ва масъулиятли вазифалар турганини таъкидлаб, ушбу илмий-маърифий масканни Янги Ўзбекистоннинг энг йирик ақл марказига айлантириш бўйича бор куч ва ғайратини ишга солишларини билдирдилар.

Анжуман якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга форум иштирокчиларининг муурожаати йўлланди.

Қуйида мазкур муурожаат матни берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга “Буюк аждодлар мероси – Учинчи Ренессанс пойдевори” мавзусидаги республика олимлари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари форуми иштирокчиларининг МУРОЖААТИ

Муҳтарам Шавкат Мирмонович!

Бугунги кунда Сизнинг раҳбарлигинида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз ҳаётига чуқур кириб бориб, барча соҳа ва тармоқларда, ҳар бир юрtdошимиз ҳаётида аниқ натижалар бермоқда. Сизнинг ташаббусларингиз маҳсули бўлган кўплаб сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий дастурлар ва йирик лойиҳалар жамиятимиз манзарасини бутунлай ўзгартириб, миллий тараққиётимизга янги, янада кучли шижоат бермоқда. Янги Ўзбекистон гоёси реал ҳақиқатга айланмоқда. Бунини эл-юртимиз ҳам, халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этмоқда.

Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш жаноби олийларининг бугунги Ўзбекистон тараққиёти, унинг Марказий Осиё минтақасидаги бирлаштирувчилик роли ҳақида билдирган ҳаққоний фикрлари ҳам бунини яққол тасдиқлаб турибди.

Юртимиз тарихида биринчи марта амалга оширилаётган ноёб меғалойиҳа сифатида баҳоланаётган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказини барпо этиш тўғрисидаги ташаббусингиз муқаддас динимизнинг тинчлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик гоёларини улғулаш, халқимизнинг буюк тарихи, бой маданий-маърифий меросини тиклаш ва дунёга тарғиб этиш борасидаги доимий эътибор ва ғамхўрлигингизнинг юксак амалий намунаси сифатида, айниқса, таҳсинга сазовордир. Зеро, Марказ фаолияти ҳозирданок халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Қисқа муддатда азим пойтахтимиз Тошкентнинг қадимий маркази — Ҳазрати Имом ёдгорлик мажмуасига яқин ҳудудда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ва темурийлар даврига хос меъморий услубда, ташқи безаклари ва маҳобатли хатотлик санъати ёзувлари билан очик китоб

тимсолида кўз ўнгимизда намоён бўладиган бетакрор обида — Ислон цивилизацияси маркази биноси қад ростлади.

Сиз таъкидлаб айтганингиздек, “бой ва чуқур тарихимиз, бетакрор илмий-маданий меросимизни бир жойда мужассам этган ҳолда, кенг қўлабда акс эттириш” вазифаси юкланган Ислон цивилизацияси марказини ташкил этиб, бу йўлда мамлакатимизнинг илм ва маърифат аҳлини бирлаштириб, уларнинг самарали фаолияти учун барча шароитларни яратиб бераётганингиз учун Сизга чин дилдан самимий ташаккуримизни изҳор этамиз.

Бугунги таҳликали даврда, хусусан, ислон номи билан амалга оширилаётган хуружлар авж олган бир шароитда, ушбу марказ ҳар қандай ёт гоёларга қарши илмий раддиялар орқали жавоб берадиган етакчи илмий-маърифий масканлардан бирига айланади. Шунингдек, бу ердаги барча музей экспозицияларида акс этадиган илмий-тадқиқот ишланмалари ёшларни Янги Ўзбекистоннинг барпо этишдек юксак вазифага етаклаб, буюк аждодларимиз тарихи ҳақидаги тўғри фикрни шакллантиришга хизмат қиладди, деб ишонамиз.

Сиз белгилаб берган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган бир ой мобайнида “Ислон цивилизацияси маркази: кеча, бугун ва келажакда” шиори остида Марказ фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий семинарлар ташкил этилди.

Форумда бир қатор янги лойиҳалар, аниқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилди, тақдиротлар бўлиб ўтди, фаолиятимизни чуқурлаштириш ва олдимизга қўйилган янги вазифаларни бажаришга қаратилган якуний ҳужжат — “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш белгилаб олинди.

Ишончимиз комил, ушбу Марказ Янги Ўзбекистоннинг маданий-маърифий устунларидан бири бўлади ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдаги барча сазойи-ҳаракатларимизни

мувофиқлаштириб борадиган йирик фундаментал илмий-тадқиқот муассасаси сифатида хизмат қиладди.

Биз, Форум иштирокчилари Ислон цивилизацияси марказини илм ва маърифат, янги гоёлар ишлаб чиқадиган чинакам ақл марказига айлантириш йўлида Сизга ёрдамчи ва кўмакчи бўлиб, чин дилдан меҳнат қилишга, ўзимизнинг бор билим ва тажрибамиз, истеъдодимизни шундай улуг ишга бағишлашга ваъда берамиз.

Хурматли Шавкат Мирмонович!

Жорий йилнинг август ойида Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг Ислон цивилизацияси маркази фаолиятига бағишланган навбатдаги Конгрессини Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказиш режалаштирилмоқда.

Халқимизнинг бой ва бебаҳо маданий-маърифий меросини халқаро миқёсда тарғиб ва тараннум этиш билан бирга, Конгрессда Ислон цивилизацияси маркази кутубхонаси, қўлёзмалар фонди ва музей фаолиятини замон талаблари асосида ташкил қилиш бўйича дунё экспертларининг фикрларини олиш имконияти яратилади.

Ислон цивилизацияси маркази келгусида халқимиз ва, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккурини, қалби ва руҳини юксалтириб, Учинчи Ренессанс бунёдкори этиб тарбиялашга, Янги Ўзбекистоннинг ўзинга хос маънавий кўзгуси бўлиб хизмат қиладиган бетакрор масканга айлантириш бўйича Сизнинг кўрсатмаларингиз асосида барча мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб олганимиз, ҳеч шубҳасиз, фаолиятимиз самарасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Сизга, ҳурматли Президент, мустаҳкам соғлиқ, гоёат масъулиятли ва шарафли фаолиятингизга улкан куч-ғайрат ва янги йўтуқлар тилаб қоламиз.

Жонажон Ватанимизнинг шону шуҳрати, қудрати ва салоҳияти янада зиёда бўлсин!

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ТЕМИР ИНТИЗОМГА АСОСЛАНГАН ИЖРО ИНТИЗОМИ — САМАРАДОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ



Ижро интизомининг мустаҳкам пойдевори — бу шахсий масъулият, темир интизом, касбга меҳр ва профессионал маҳорат. Ижро интизоми самарадорлик омили ҳамдир. Чунки у ташкилот ёки жамоа аъзоларининг фаолияти муайян тартиб ва қоидаларга мувофиқ амалга ошишини таъминлайди. Бу тушунча давлат бошқарувида ҳам, хусусий секторда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотнинг барча даражасида интизом ва тартибни таъминлашга қаратилган.

Давоми 3-бетда

Олтин сирга

Ўброҳим Ғафуров сабоқларидан узиндилар

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ТАНИҚЛИ МУНАҚҚИДНИНГ ЗОМИН СЕМИНАРИ ЁШ ИЖОДКОРЛАРИГА АЙТГАН УЙҒОҚ ФИКРЛАРИ

Зомин семинари адабий, инсоний, ижобий ва тарихий қимматга эга. Чунки сиз — барча иштирокчи ёш қалбда биринчи китобингиз, дostonу хикояннгиз, бадиаларингиз жаранглаб турибди. Бунини сезипман. Шу кунларда Зомин бағрида улуг бир ижодий муҳит пайдо бўлган. Миллатимиз руҳи — Саккокий, Лутфий, Атоийи, Навоий, Бобур мирзо каби боболаримиз руҳи сизнинг қадамингизда, қиёфангизда, нафасларингизда кеziб юрибди.

Сиз давлатимиз раҳбари айтганидек, янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий маънодаги нажоти бўлган, нажоти, келажаги бўладиган авлодсиз.

Нима учун Президентимиз сизнинг қиёфангизда мамлакатимизнинг келажакини ва нажотини кўряпти?! Булар куруқ гап эмас. Ўзбекистоннинг келажаги, нажоти, кўрар кўзи, эшитар қулоғи, урадиган юрағи, деган сўз фақат сиз учун айтилган ва сиз бундан кейин қўядиган ҳар бир қадамингизда, ижодий йўлингизда бунини исботлаб, халқимизга ўз ижод маҳсулинингизни қадамба-қадам тухфа қилиб борасиз.

6

Муносабат

НУФУСИ ВА НУФУЗИ ОШАЁТГАН ШҲТ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР РЎЁБИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



2

Муносабат



Нодирбек РАСУЛОВ,
Макроиқтисодий ва ҳудудий
тадқиқотлар институти
лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт
фанлари доктори

Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида инсоният манфаатларига тўла мос келадиган халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ташаббус-кори сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозир Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги асосий тамойиллардан бири Ер юзининг айрим минтақаларида юзага келаётган турли зиддиятлар ва глобал муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш мумкинлигини кенг таъриб қилишдир. Мазкур тамойиллар дунё халқлари тенглиги, давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларига аралашмаслик, айрим давлатлар гегемонлигининг олдини олиш, сиёсий қарама-қаршилиқ ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик каби муҳим йўналишларга асосланади. Қайд этилган тамойилларни Ўзбекистон халқаро ташкилотларнинг турли минбарларида туриб, доим илгари суриб келмоқда.

Ҳозир дунёдаги геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришлар, йирик давлатларнинг манфаати тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар таранглашган бир паллада вазиятни юмшатадиган, глобал муаммоларга ечим топадиган, ўзаро ҳамкорликни кучайтирадиган, мавжуд имкониятларни ишга соладиган халқаро ташкилотлардан бири, шубҳасиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилотидир. Шу боис, у халқаро сиёсатнинг муҳим субъектига айланиш билан бирга, нуфузли халқаро тузилмалар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Натижада ташкилотнинг халқаро майдонда юзага келаётган янги хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасидаги умумий салоҳияти ортиб, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатларда юритаётган оқилона сиёсати натижасида кейинги 6-7 йилда

НУФУСИ ВА НУФУЗИ ОШАЁТГАН ШХТ муштарак мақсадлар рўёбига хизмат қилади

Ўзбекистоннинг ҳар томонлама чуқур ўйланган ташқи сиёсати ҳамда ҳамкор мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий дипломатияси натижалари БМТ ва ихтисослашган тузилмалари, ШХТ, ИСлом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, ИХТ, ЖСТ, МДХ, Евросиё иқтисодий иттифоқи ва бошқа шунга ўхшаган халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар билан кўп томонлама муносабатларда яққол намоён бўлмоқда. Бу йўналишда эришилган натижалар кўплаб хорижий экспертлар, мутахассислар ҳамда нуфузли ташкилотлар томонидан кенг эътироф этиляпти.

эътирофга лойиқ қатор ишлар қилинди. Хусусан, мамлакатимизнинг ШХТга аъзо давлатлар иштирокида қабул қилинган минтақавий хавфсизлик, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамда ижтимоий-маданий соҳалардаги келишувлар билан боғлиқ жараёнларда фаол иштироки ҳамда давлатимиз раҳбари илгари сурган қатор ташаббуслар ҳамкор мамлакатлар томонидан юқори баҳоланди. Бунга мисол тариқасида кейинги беш йилда Ўзбекистон томонидан ШХТ саммитларида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновация ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 50 дан ортиқ таклиф ва ташаббус илгари сурилганини таъкидлаш жоиз. Мазкур ташаббусларнинг 37 таси амалга оширилди, яна 17 таси рўёбга чиқиш жараёнида.

ШХТ тарихан қисқа муддатда минтақавий ва глобал жараёнларнинг таъсирчан иштирокчисига айланди. Хавфсизлик ва иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли сифатида эса ушбу ташкилотнинг барқарорлаштирувчи ролини алоҳида қайд этиш зарур. Шунинг учун ҳам кечагина Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШХТ плано” форматидagi учрашувга халқаро жамоатчилик жуда катта қизиқиш билдирди.

Президентимиз саммит иштирокчиларини қутлар экан, ушбу муҳим тадбир халқаро вазият кескинлашаётган мураккаб шароитда ўтаётганини қайд этди. “Бундай мураккаб вазиятда ШХТнинг асоси бўлган тамойилларга содиқлигимизни сақлаш ва янада мустаҳкамлаш фавқулодда муҳимдир. Ана шу тамойиллар туфайли Ташкилот бугунги ютуқларга эришди, халқаро масалаларда юксак нуфуз ва барқарорлаштирувчи ўринга эга бўлди”, деди давлатимиз раҳбари.

Халқаро экспертлар ҳам мазкур тадбирни етакчи куч марказлари иштирок этган учрашув сифатида эътироф этмоқда. Чунки дунё аҳолисининг деярли ярми истиқомат қиладиган етакчи давлатлар раҳбарларининг бир мулоқот майдонида тўпланиши, нуқтаи назарини муҳокама қилиши, бунинг натижасида эса барча давлатлар манфаати мувозанатини таъминлайдиган, биргаликдаги конструктив қарорлар қабул қилиниши халқаро даражадаги глобал муаммолар ечимига хизмат қилади.

Шунинг учун дунё ҳамжамиятининг нигоҳи ва эътибори Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитига қаратилди. Саммитда ташкилотга аъзо ва кузатувчи мақомидаги мамлакатлар — Покистон, Россия, Тожикистон, Хитой, Эрон, Ўзбекистон,



Қирғизистон, Қозоғистон, Ҳиндистон, Беларусь, Эрон, Мўғулистон ва яна Озарбайжон, Туркия, Саудия Арабистони, Миср, Қатар, БАА, Арманистон, Баҳрайн, Кувайт каби 10 дан ортиқ давлат раҳбарлари, юқори мартабали вакиллари иштирок этди.

Қозоғистон 2023 йил июлдан бошлаб бир йил ШХТга раислик қилди. Бу даврда 100 дан ортиқ турли тадбир ва учрашув ўтказилди. Хусусан, энергетика, рақамли технологиялар ва туризм соҳасида йирик форумлар бўлиб ўтди. Ҳамкорликнинг турли йўналиши бўйича 30 дан ортиқ ҳужжат ишлаб чиқилди. Аъзо давлатлар томонидан Қозоғистоннинг 2024 йилни ШХТнинг Экология йили, деб эълон қилиш ташаббуси бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Остонадаги саммит бўйича берилган ахборотлар таҳлили шунини кўрсатадики, дунёнинг кўзга кўринган етакчи сиёсатчилари, кўпгина халқаро ташкилотлар,

аксарият давлат раҳбарлари ШХТ саммитидан, энг аввало, Ер юзидаги тинчликни барқарорлаштириш, турли глобал зиддиятларга чек қўйиш, халқаро терроризмга қарши курашиш, экологик муаммолар, озик-овқат ҳамда энергетика хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатлараро савдо-иқтисодий муносабатлардаги жараёнларни рақамлаштириш, халқаро юк ташувлардаги тўсиқларни камайтириш, муқобил транспорт коридорларини ривожлантириш билан бирга, аъзо давлатлар ўртасида инвестиция оқимини самарали бошқаришни соддалаштириш билан боғлиқ масалаларга ечим топилишидан катта умид қилаётганди. Саммит якунлари бўйича Остона декларацияси ҳамда ҳамкорликнинг турли соҳаларида шериклини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим кўп томонлама ҳужжатлар қабул қилингани ишонч ўзини оқлагани далолатидир.

Давлатимиз раҳбари саммит иштирокчиларини мулоқотни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида ШХТнинг Яхши қўшничилик, ишонч ва транссегаравий шериклик кодексини қабул қилишга қачқирди.

Ташкилот доирасида савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битим, амалдаги рақамли савдо платформаларини интеграция қилган ҳолда электрон тижорат соҳасида ҳамкорлик дастури ҳамда “ШХТ озик-овқат хавфсизлиги атласи” қўшма электрон платформасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Шунингдек, Президентимиз “ШХТ келажак технологиялари” дастурини ишлаб чиқиш ташаббусини билдирди. ШХТ мамлакатлари ўртасида ижтимоий ривожланиш ва ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик мақсадида ШХТнинг Яхши қўшничилик бўйича “йўл харитаси” қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф қилди.

Остона саммитида яна бир муҳим воқеа кузатилди — Беларусь Республикаси ШХТга ўзининг аъзо давлат сифатида қабул қилинди.

Албатта, бундай даражадаги учрашувлар ва унда Ўзбекистоннинг фаол иштироки минтақадаги тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашиш бўйича ўз ташаббусларини илгари суриш, бу борада турли концептуал дастур, келишув ва қарорлар самарадорлигини таъминлашда муҳим. Шу билан бирга, аъзо давлатлар ўртасида хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, ШХТнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги йўл ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалаларга ечим топишда асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур тадбир ШХТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш ҳамда иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий таъсирчанлигини ошириш каби муҳим ташаббусларни амалга оширишга замин яратди.

Кейинги йилларда ШХТ нуфузи ортиб бориши, унда мамлакатимизнинг фаол иштироки, биринчидан, яқин кўшни ҳамда алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, минтақада хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳал этилади, келиб чиқиши мумкин бўлган турли низоларнинг олди олинади.

Учинчидан, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланиши узоқ йиллардан бери тарихан бир-бирига яқин давлатларнинг муштарак мақсадларини рўёбга чиқаришга замин яратди. Бу эса, албатта, ташкилотга аъзо ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, фойдаланилмаётган салоҳиятни ишга тушириш ҳамда йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга асос бўлади.

Ирригация

Сув ҳўжалиги вазирилиги масъуллари томонидан Қорақалпоғистондаги олис ва сув таъминоти оғир бўлган 35 та худуд рўйхати шакллантирилиб, уларга сув етказиш алоҳида назоратга олинган. Бунинг натижасида айни вақтда олис жойлардаги аҳоли томорқасига сув етказиб берилмоқда.

Бўзатов туманидаги “Эркиндарё чорваси” масъулияти чекланган жамияти экин майдонида мобил бўлма ёмғирлаштириш сугориш тизими қўлланилмоқда. Ушбу муқобил тизим орқали анъанавий сугоришга нисбатан 40-50 фоизгача сув тежалди. Фермерлар ушбу тежамкор технологияларни далаларида жорий этса, Президентимизнинг



2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида субсидия олиши мумкин.

— Қорақалпоғистонда томчилатиб ва ёмғирлаштириб сугориш технологияларидан ташқари дискрет сугориш, эгилувчан қабур ва эгатга плёнка тўшаб сугориш каби сув тежовчи технологиялардан кенг фойдаланилмоқда, — дейди Сув ҳўжалиги вазирилиги бош мутахассиси Абу Қидирбаев. — Ҳар пайшанба кунини сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича қилинаётган ишлар юзасидан амалий ва

кўрғазмалли семинарлар ўтказиб, янги технологиялар ҳақида фермерларга маълумот бериб келяпмиз. Бўзатов туманидаги ғалтакли пуркағич сугориш машинаси ҳам кўплаб фермерларимизни қизиқтирди. У қулай ҳаракатланиши, меҳнат ва вақтни тежаш билан қатор афзалликларга эга.

Ҳозиргача Кеғейли, Қораўзақ, Тахтақўпир, Бўзатов, Тахиятош, Хўжайли, Қонлиқўл, Мўйноқ ва Амударё туманларига 20 та мобил сугориш машинаси олиб келиниб, фойдаланилмоқда.

— Жорий йил 60 гектар ерга пахта эдик, 15 гектарини томчилатиб сугораяпмиз, — дейди “Қамоллов Гулмирза” фермер ҳўжалиги раҳбари Акбаржон Қамоллов. — Томчилатиб сугоришнинг афзалликлари кўп. Биринчидан, сув тежалса, иккинчидан, мўл даромад олишга имкон беради. Келгуси йили 60 гектарнинг ҳаммасида томчилатиб сугориш технологияларидан фойдаланмоқчимиз.

Сув йўқотишларни камайтириш мақсадида жорий йил сув ҳўжалигида “каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил” эълон қилинган эди. Сугориш мавсумигача Қорақалпоғистондаги канал ва ички ариқларни бетонлаш ишлари уюшқоқлик билан бажарилди. Айни кунда ҳам бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Чимбой тумани “Тазғара” овул фуқаролар йиғини худудидagi Гоне шоҳариқ ички каналидagi ишлар бунинг ёрқин далилидир.

— Кейинги пайтларда мазкур сув тармоғида сувдан фойдаланиш коэффициенти кескин пасайиб, худуддаги сув истеъмол-



чиларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди, — дейди Чимбой тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси директори Айдарбек Қадирбаев. — Сугориш тармоғининг умумий узунлиги 7 километр. Яқинда Қорақалпоғистон Сув ҳўжалиги вазирилиги томонидан ариқнинг 400 метр қисмини бетонлаш белгиланиб, ҳашар йўли билан ишлар бошлаб юборилди. Қисқа муддатда сув тармоғининг 200 метрга яқин қисми бетонланди ва бу ишлар давом этмоқда.

Этиборлиси, Гоне шоҳариқ ички каналда бетонлаш ишлари бажарилган,

худуддаги фермер ҳўжаликлари ва аҳоли томорқаларида сув таъминоти яхшиланади. Тумандаги сув ҳўжалиги мутахассислари маълумотига кўра, сув тармоғи бетонлангандан сўнг сув йўқотишлар камайд, фойдаланиш коэффициенти ошади.

Тахтақўпир туманидаги КС-4 туманлараро коллектори 1971 йилда фойдаланишга топширилган. Унинг умумий узунлиги 116 километр, лойиҳавий сув ўтказиш имконияти сониясига 18 метр кубни ташкил этади.

Сўнгги йилларда коллекторнинг ён қияликлари ўпирилиб, ирригация

тармоғи хароб аҳволга келиб қолганди. “Эллиққалмамаҳсуссупудрат” корхонаси томонидан ушбу коллекторнинг жорий йил давомида 11 километр қисмини реконструкция қилиш белгиланган. Бугунгача 7 километрида қазиш ишлари бажарилган. Шу билан бирга, коллекторни реконструкция қилиш доирасида ер ости сизот сувини назорат қилиш имконини берувчи “Дайвер” қурилмалари ҳам ўрнатилмоқда.

Коллектор реконструкция қилинган, худуддаги 7432 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Шу билан бирга, 620 гектар майдоннинг ер ости сизот суви метёрий даражага туширилиб, 1167,5 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

“Қорақалпоғистонсувқурилишнинг” давлат муассасаси жамоаси Беруний туманидаги Махтумқули-1 ҳўжаликлараро коллекторда реконструкция ишларини бажармоқда.

— Кейинги йилларда турли сув ўтлари ўсиши натижасида коллекторнинг сизот сувини чиқариб юбориш имконияти пасайган ва худуддаги экин майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишга сабаб бўлаётган эди, — дейди “Қорақалпоғистонсувқурилишнинг” давлат муассасаси етакчи мутахассиси Булат Муратбаев. — Айни пайтда мазкур коллекторнинг белгиланган қисмида реконструкция ишлари бажарилмоқда.

Бугун сувдан оқилона фойдаланиш ва тежаш бўйича кенг кўламли ишлар натижаси деҳқонларимиз етиштираётган мўл ҳосилда намоён бўлмоқда. Демак, сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш фаровонлик ва тўқин-социллик кафолатидир.

Минажатдин
ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Осётрни тўғридан тўғри таомга ишлатишдан ташқари, қайта ишлаб, тузланган, дудланган, музлатилган ёки консерва ҳолида истеъмол қилиш ҳам мумкин. Айрим давлатларда эса осётр балигининг терисидан чарм сифатида фойдаланилади. Балиқнинг тангачалари бўлмаган, жуда чиройли терисидан асосан, аёллар сумкаси тикилади. Келгусида юртимизда бу йўналишда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш мумкин.



Маҳаллийлаштириш

ЎЗИМИЗНИНГ ҚОРА ИКРА

Ўзбекистон аквакультурасида янги йўналиш



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бундан икки йил олдин Балиқчилик илмий-тадқиқот институти олимларининг узоқ муддатли илмий изланиш ва тажрибаларидан сўнг совуқ сув балиғи — осётрни Ўзбекистон шароитида тўлиқ иқлимлаштиришга эришилгани ҳақида ёзган эдик. Орадан қисқа вақт ўтиб, ушбу йўналишда яна бир катта янгиллик қилинди.

Энди мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган осётр балиғидан қимматбаҳо қора икра олиняпти. Бу борадаги илк тажриба Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “Xorrot Fish House” унитар корхонасида йўлга қўйилди.

Корхона давлат-хусусий шериклиги асосида ташкил этилган бўлиб, унда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан маҳаллийлаштирилган осётр она балиқларидан насли икру олиш ва саноат усулида етиштириш йўлга қўйилди. Давлат ва хусусий корхона ҳамкорлигида интенсив усулда балиқ етиштириш, амалиётда инновацион технологияларни қўллашга қаратилган маъруза юртимизда ягонадир. Бу жараёнда илмий изланишлар тижорийлаштирилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Совуқ сув иқлимига мослашган осётр балиғини юртимиз шароитида саноат усулида етиштириш ҳақиқатан катта илмий натижалардан бири. Олимлар бу тажриба устида ўн йилдан ошироқ вақт ишлади. 2009 йилда институтга чавоқ ҳолида олиб келинган қимматбаҳо сибирь осётрини маҳаллийлаштириш ишлари осон кечмади. Илмий изланишлар натижасида ушбу балиқ туридан маҳаллий шароитда сунъий урғитиб уруғлик олинди ва чавоқ етиштириш йўлга қўйилди. Янги турни маҳаллий шароитда сунъий кўпайтиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилиб, озиклантириш ва ўстиришнинг биологик ҳамда технологик тамойиллари ўзлаштирилди. Ана энди осётрнинг нафақат гўшти, балки қора икраси ҳам олиниб, хорижга экспорти йўлга қўйилляпти.

Осётр чучук сувли дарё ва денгизларда яшайдиган балиқ тури ва у асосан, қимматбаҳо қора икраси учун етиштирилади, — дейди Балиқчилик илмий-тадқиқот институти директори Абдулла Қурбонов. — Аммо биз қора икра олишдан олдин ушбу балиқ турини, аввало, иқлим шароитимизга мослаштиришимиз керак эди. Чунки сибирь осётри маҳаллий ихтиофаунамида мавжуд бўлмаган, мутлақо янги тур бўлиш билан бирга, асрлар давомида Сибирь дарёлари ҳамда ўша ҳудуд иқлими ва сувига мослашган эндемик турдир. Уни маҳаллий иқлимга мослаштириш мақсадида юртимизга илк бор 2009 йилда олиб келинди ва узоқ муддат иқлимлаштириш, ўстириш, озиклантириш, турли шароитларга чидамлилиги бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бунга тахминан 10-12 йил кетди. Кўпчилик бунни узоқ муддат деб ўйлайди, аммо ҳар қандай балиқ турини вояга етказиб, уруғлик олиб, кейинги босқичга ўтилиши учун шундай кўп йиллар керак.

Олимнинг айтишича, репродуктив хусусиятларини сақлаб қолиши учун балиқларга қўлай муҳит яратиб берилиши керак. Ваҳоланки, бизнинг иқлим совуқ ҳудудларникидан фарқ қилади. Ёз ойлари иссиқ, қишда эса сув деярли музлаб қолади. Шу боис, осётр балиғини мутлақо янги ҳудудга олиб келиб



боқиш осон кечмади ва бу тадқиқотларнинг узоқ давом этишига сабаб бўлди. Асосий қийинчилик ёз ойларида сувнинг керакли ҳароратини таъминлаш ҳамда балиқларни маҳаллий озуқа базасига мослаштиришда кузатилиди. Осётр очиқ сув ҳавзаларида ҳам етиштирилди, аммо бунда яшаб қолиш даражаси пастлиги кўринди. Мазкур турни сунъий сув ҳавзаларида, интенсив усулда етиштириш энг мақбул усул экан. Бу борадаги барча таҳлиллар бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди. Узоқ йиллик тадқиқотлардан сўнг осётр балиғини юртимизда самарали етиштириш мумкин, деган хулосага келинди. Охириги йилларда эса балиқни саноат усулида етиштириш оммалашаяпти.

Жаҳон бозоридаги қимматбаҳо маҳсулот

Осётр балиғи яхши шароитда тез семирди ва гўшти мазали бўлгани сабабли энг харидорғир турлардан. Жаҳонда ушбу балиқни етиштириш бўйича йиллик ўртача ҳажм 100 минг тоннадан юқори. 40 дан зиёд мамлакат

осётр балиғи етиштириш билан шуғулланиб келади. Улар орасида Хитой, Россия ва узоқ Шарқ давлатлари анча илғор. Утган асрнинг 80-90-йилларидаёқ жаҳон мамлакатларида осётр балиғини маҳаллийлаштириш технологиясини ишлаб чиқиш бошланган.

Бу турдаги балиқ ҳажми катта бўлгани боис, қайта ишлаш имконияти юқори. Айниқса, осётр балиғидан олинадиган қора икра жаҳон бозорида қиммат баҳоланади. Чет элликлар уни тансиқ егулик сифатида хуш кўради. Шу боис, юртимизда осётрни саноат усулида етиштириш технологияси анча ривожланиб, балиқчилик хўжаликларида татбиқ этила бошлаб, ундан қора икра олиш йўлга қўйилляпти. Ўрни совуқ сув балиғини етиштиришни ўзлаштириб олган юртдошларимиз ундан қимматбаҳо қора икра олишни ҳам уddалайпти.

“Xorrot Fish House” балиқчилик хўжалиғи бу борада биринчилардан бўлди. 2021 йилда ташкил этилган хўжаликда асосан, карп, сазан, дўнгпешона, оқ амур балиқлари етиштириб келинган. Балиқчилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилгач, хўжаликка институтда

7-8 йил давомида вояга етказилган, ҳар бири 10-12 килограмм балиқлар олиб келинди. Бу ерда улар саноат усулида кўпайтирилиб, вояга етган балиқларнинг ҳар биридан 2 килограммгача қора икра олиш имкони яратилляпти. Минг доналаб уруғ олиниб, товарбоб балиқлар етиштириляпти. Улардан бир неча йилда катта миқдорда қора икра олинади.

— Бошқа балиқлар 2-3 йилда икрага кирса, осётр 7-8 йил парваришланиши керак, — дейди Абдулла Қурбонов. — Боиси, осётр анча совуқсевар тур бўлиб, асосан, салқин, пана жойларда ривожланади. Улар учун сув ҳароратининг 17-18 даража совуқ бўлиши оптимал ҳисобланади. Осётрдан қора икра олиш учун алоҳида технология яратилмади. Чунки бу дунёда бир хил стандарт жараёндир. Ўрни икра она балиқ қорнида шаклланади. Истеъмол икрасини 5-6 йилдан бошлаб олиш мумкин. Бунда она балиқ ҳали тўлиқ вояга етмаган бўлади ва қора икра қимматлиги сабаби ҳам шунда. Балиқ икра си икки хил усул ва икки хил мақсадда олинади. Юқори сифатли, истеъмолга яроқли икра олиш учун балиқнинг қорни ёрилади. Агар икра насл учун балиқдан сиқиб олинса, бу маҳсулот истеъмолга яроқли бўлмайди ва сифати тез бузилади.

Аслида, осётр энг қадимги, яшовчанлиги юқори балиқ турларидан. Манбаларда унинг 50-60 йилгача яшаши қайд этилган. Табиатда бир неча юз килограммлик осётрлар ҳам овланади. Аммо саноат усулида етиштирган осётрнинг вояга етишини кутиш зарур. Бу Ўзбекистон шароитида одатда 7-8 йилга чўзилади. Осётр табиий шароитда майда балиқ, молоскалар билан озикланади, сунъий шароитда эса юқори протеинли омикта ем бериб боқиш керак.

Ҳозир дунё бозорида осётрнинг гўштига ҳам, қора икрасига ҳам талаб катта. Вояга етган урғочи балиқдан бир неча йил давомида қора икра олиш мумкин. Икра балиқни ўстириш шароитига қараб вазнининг 20 фоизгача қисмини ташкил этади. Битта урғочи осётр ўртача 15 минг дондан 800 минг донгача икра (увидириқ) беради. Бозорбоб қилиб айтганда, оғирлиги 10 килограмм келадиган

осётр балиғидан 2 килограммгача қора икра олиш мумкин. Қимматбаҳо қора икранинг бозор нарҳини эса ўзингиз чамалайверинг.

Маҳаллий самарадорлик қандай?

Юртимизда балиқ етиштиришнинг интенсив технологиялари оммалашиб, янги турлар маҳаллийлаштирилаётгани, бозорларимизда балиқ маҳсулотлари тури ортиб, аҳоли талаби қондирилаётгани қувонарли. Аммо бундан нафақат аҳоли, балки ишлаб чиқарувчилар ҳам манфаатдор бўлиши, иқтисодий самарадорлик ортиши лозим. Шу жиҳатдан осётр балиғининг 7-8 йилда вояга етиб, даромад беришини кутиш хўжаликлар учун қанчалик самарадор экани билан қизиқдик.

— Иқтисодий самарадорлик бўлмаганда технологияни яратиш устида ишланмасди, — дейди Абдулла Қурбонов. — Ҳозир ривожланган ва ривожланаётган давлатларда осётр туридаги балиқларни кўпайтиришга узоқ муддатли инвестиция киритилляпти. Бозорда унинг нарҳи анча баланд. Ҳатто биржаларда осётрнинг баҳосига нисбатан белгилаш, деган тушунча пайдо бўлди. Ўзбекистон фол ривожланаётган давлатлар сирасига қиради. Аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиши қимматбаҳо маҳсулотларга талабни ҳам оширмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда туризм соҳаси жadal ривожланыпти. Шу жиҳатдан маҳаллий бозорда ҳам, хорижлик сайёҳларда ҳам осётр балиғи ва қора икрага талаб бор. Экспорт масаласи эса алоҳида мавзу. Узоқ вақт кутишга келсак, балиқчилик хўжаликлари осётрни қўшимча маҳсулот сифатида етиштирса, харажатнинг секин қайтиши сезилмайди. Ўқин йилларда бизда ҳам бу йўналишга узоқ муддатли инвестиция киритиш ривожланади. Шулар ҳақида балиқчилик хўжаликларига тушунтириш бериб, амалий ёрдам кўрсатамиз. Натижада биргина осётр етиштириш бўйича ҳудудларда бир қанча лойиҳалар бошланган. Очиги, бир неча йиллар олдин маҳаллий шароитда осётрни саноат усулида етиштириш ҳам муяом эди. Олимлар кўмағида бунни уddаладик. Энди ушбу балиқ турини қай тарзда, қандай мақсадда етиштириш тадбиркорларимизнинг уddабуронлигига боғлиқ. Ўқин йилларда юртимизда осётр балиғини етиштиришни оммалаштириш ва қора икра олиш балиқчилик соҳасида янги йўналишга айланиши кутилмоқда. Технология ҳудудларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сон ортиши, аҳолига арзон ва сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда экспортбоб маҳсулотлар турини кенгайтиришга хизмат қилади.

Осётрни тўғридан тўғри таомга ишлатишдан ташқари, қайта ишлаб, тузланган, дудланган, музлатилган ёки консерва ҳолида истеъмол қилиш ҳам мумкин. Айрим давлатларда эса осётр балиғининг терисидан чарм сифатида фойдаланилади. Балиқнинг тангачалари бўлмаган, жуда чиройли терисидан асосан, аёллар сумкаси тикилади. Келгусида юртимизда бу йўналишда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш мумкин.

Бир ҳудуд – бир маҳсулот

ВОДИЛЛИКЛАРНИ БОЙ ҚИЛАЁТГАН СОҶА

Фаргона туманидаги Водил қишлоғида малина йиғим-терим мавсуми кизғин паллага кирди. Маҳсулотнинг бозори чаккон. Бугун бир кило малина улгуржи нархда 20-25 минг сўмдан сотилмоқда. Бир сотих малиназордан ўрта ҳисобда 100-120 килогача ҳосил териб олиниши ҳисобга олинса, даромад чўғини чамалаб олиш қийин эмас.

Малина салқин ҳаво ва нам тупроқда яхши ривожланади. Сўлим Водилнинг мусаллоф об-ҳавоси экинлар ривож ва ҳосилдорлигини оширишда қўлай. Шу боис, ундан бир йилда икки марта ҳосил териб олинмоқда. Ўсимлик нафақат мўмай даромад манбаи, балки шиғобахш хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради. Меваси ҳам муҳитни секинлаштиради, ёғни эритади, овқат ҳазм қилишни метёраштиради. Шамоллаш, саратон юзага келишининг олдини олади, қондаги қанд миқдорини назорат қилади.

— Бугун туманимиздаги 5660 хонадоннинг 198 гектар томорқасида малина етиштирилмоқда, — дейди Фаргона тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси Исломжон Мўминов. — Бундан ташқари, “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили асосида Водил, Юқори Водил, Бирлик массиви ҳудудидаги самарасиз фойдаланилаётган 285 гектар боғ қатор ораларида янги малиназорлар ташкил этилмоқда. Бунинг ҳисобида малиназорлар қўлами 621 гектарга етди. Утган йил сарҳисобига кўра, аҳоли томорқасида етиштирилган 500 тоннадан ортиқ маҳсулот Қозғистон, Россия, Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қилинган. Жорий мавсумда бу борадаги кўрсаткични 1000 тоннадан ошириш кўзда тутилляпти. Бунинг учун шароит ва имконият етарли. Шу кунга қадар аҳолининг яна 171 гектар томорқаси малина етиштиришга ихтисослаштирилмоқда. Бу ҳар йили ўрта ҳисобда 5 минг тоннадан

ортиқ сархил мева етиштириш имконини беради.

“Обод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Элёр Нишонов малиначиликда кўпга намуна бўлиб келади. У 10 сотих томорқасига экилган ниҳоллардан мўл ҳосил кўтарди. Биринчи мавсумнинг ўзида бир тоннадан ортиқ мева териб сотди.

— Биринчи ҳосилдан 25 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик, — дейди томорқа юмушлари билан андармон томорқачи. — Кузги ҳосил ҳам мўл ва сифатли бўлиши учун ҳозирдан тарадуд кўрапмиз. Экин



тагини юмшатиш, маҳаллий ўғит билан озиклантириш, сувга қондириш мавсумининг муҳим юмушларидан.

“Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинининг асосий драйвери — малиначилик. Бу иш билан машғул бўлаётган оилалар ҳалол меҳнат ортидан муҳим даромад манбаига эга бўлмоқда. Июнь малина гарқ пишган палла. Шу боис, йиғим-терим авжида.

— Маҳалламиз ишчилардан холи ҳудуд, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қодиржон Дадажонов. — 743 хонадоннинг ҳаммасида малина етиштирилади. Йиғим-терим жараёнида ишчи кучи етишмай қолгани боис, қўшни ҳудудлардан қўшимча ишчи жалб этилди. Сабаби, кейинги йили малина етиштириш билан банд аҳоли қатлами тенг баробар кўпайди. Маҳсулот қанча кўп бўлса, сифати шунча юқори бўлади, харидор кўпаяди. Шу мақсадда хорижий навларни маҳаллийлаштириш, янги иш тажрибасини оммалаштириш учун туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда ишлалляпти. Жорий мавсумнинг ўзида бу йўналишда беш мартаба кўргазмали семинар машғулот ўтказдик, тажриба алмашдик. Асосий мақсад — тезишар, ҳосилдор навлар яратиш.

Баҳромжон Усмонов ҳам шу маҳалладаги уста томорқачилардан. 30 сотих



томорқасининг йиғирма сотихида бир неча йилдан бери малина етиштирилади. Бундан ташқари, помидор, сабзи, картошка баравж ривожланимоқда. Тартиб билан экилган мевали дарахтлар ҳам ҳосилга кирган.

— Томорқада малина етиштиришни бошлаганимга чорак асрдан ошди, — дейди Баҳромжон ака. — Илгари бутунгидек қўлай шарт-шароит йўқ эди. Маҳсулотни сотиш кўп-лаб оворатарчиликка сабаб бўларди. Малинани териб, Фаргона шаҳри ва бошқа бозорларга тоғораларда олиб боришга жаруж бўлганмиз. Бу ортқича вақт ва қўшимча харажат келтириб чиқарган. Энди ҳаммаси ўзгарди. Маҳалламизда улгуржи бозор очилди. Томорқада туриб маҳсулотларимизни дунёга сотяпмиз, буюртмалар қабул қилляпмиз. Бу йил 60-70 миллион сўм даромадни кўзлаб турибмиз.

Малина парвариш билан бирга, сувни яхши кўради. Унга меҳр берган киши меҳнатининг самарасини тез илғайди. Умиджон Қодиров ана шундайлардан. Фарзандларини камолга етказишда томорқадан келаётган даромад муҳимлигини таъкидлайди. Айтишича, тўнгич қизи Фаргона давлат университетида тўлов-контракт асосида тахсил олибди, яна бир қизи битирувчи курс талабаси.

— Малина етиштиришнинг гашти ўзгача, — дейди Умиджон. — Еримиз унумдор, экин экиб, даромад олам, деганга барча шарт-шароит бор. Энг муҳими, ҳаво мусаффолиги малина етиштиришга мос. Шу боис, малина етиштириш, сотишда ортқича қийинчиликка дуч келмаймиз. Керакли агротехник тадбирларга амал қилган ҳолда, албатта, бор меҳримизни берамиз.

Иш тажрибасини оммалаштириш, ташаббусларни кўллаб-қувватлаш, ички ва ташқи бозорга харидорғир маҳсулотлар етказиб


беришга эътибор кундан кунга ортмоқда. Президентимизнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликларининг улущини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги имкониятлар эшигини очди. Қарор ижроси доирасида тумандаги 575 ишсиз фуқарога очик аукцион орқали 138 гектар экин майдони 10-15 сотихдан 30 йил муддатга ажратилди. Бу томорқаларда малиначилик плантациялари ташкил этилди. Утган йили экилган сархил кўчатлар баравж ривожланыпти. Бу мавсумда илк ҳосил нишонлари териб олинди.

— Ишчиларимиз учун “Аёллар дафтери”га киритилгандим, — дейди “Дилқуш” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Гўзалхон Эрматов. — Малина етиштиришнинг учун очик аукцион асосида 15 сотих экин майдони ажратиб берилди. Ерга 1200 туп кўчат эдим. Ниҳолларимиз яхши ўсаяпти. Кўчатлар оралғида рўзгор учун керакли сабзавотлар экиб, даромад оляпмиз. Бу жуда катта имконият. Шу тўғрйли доимий иш билан банд бўлиб, рўзгоримизни тиклаб олдик.

Водилликларнинг малиначилик билан боғлиқ амалий иш тажрибаси Кува туманида ҳам оммалашаяпти. “Ўзбек” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилшод Султонов томорқасида малина ва кўчатни етиштириш ҳамда сақлаш борасида самарали изланишлар қилляпти. Ёш томорқачининг бу борадаги тажрибаси ётироф этилиб, “Намунали томорқачи” кўкрак нишонин билан тақдирланди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мулоҳаза



ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ, КРЕАТИВ ҲОЯЛАР ВА АМАЛИЁТНИ УЙҒУНЛАШТИРАМИЗ



Шерзод НЕЪМАТОВ, физика-математика фанлари доктори, профессор

Жорий йил 19 июнда Президентимиз мактабгача ва мактаб таълими сифатини, педагоглар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича тақдирлар тақдими билан танишиш асосида соҳани ривожлантириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берди.

Тақдимотда соҳа мутасаддилари малака ошириш марказлари ҳамда педагогика коллежлари имкониятидан тўла фойдаланиш учун Президент мактаби тажрибаси асосида Абдулла Авлоний номидаги миллий таълим тизимида бoғча ва мактаблар раҳбар ҳамда педагогларнинг ҳар 5 йилда малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш тақдирини белгиланган. Шунингдек, ҳудудлардаги 11 та педагогика коллежини малака ошириш марказлари тасарруфига ўтказиб, хориждаги тренерага жалб этиш, кам қувватда ишлаётган педагогика коллежлари



негизда бoғча ва мактаблар, техникумлар, “Баркамол авлод” мактаби ташкил қилиш ташаббуси билдирилди. Мазкур тақдирлар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифати га эътиборни қучайтириш, соҳада илгор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилашга ҳисса қўйиши кутилмоқда. Мамлакатимиз ўқитиш тизимини такомиллаштириш учун ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ҳам самара бермоқда. Мисол учун, Финляндияда мактабгача таълимга катта эътибор берилди. Дарс жараёнида уларнинг эркинлиги чекланмайди. Бу болаларда мантйқий ҳамда ижодий фикрлашни қучайтиради. Биз ҳам ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги ихсолотларини ўрганиш ва институтимизда таъбиқ этиш учун ўқитувчиларимизни тажриба оширгани Финляндиядаги Халқаро Нордик университетига юбюрямиз. Келгусида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириб, институтимиздаги ўқув режалар ривожланган давлатлар таълим тизимига мослаштирилади. Шунингдек, ҳамкор олий таълим муассасалари ва ташкилотлар билан бирга қўшама дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда илмий конференциялар ташкил этиш режалаштирилган. Бу талабаларга зарур билим ва кўникмаларни эгаллаш, тажриба алмашиш

ва янги инновацион ечимлар излашда ёрдам беради. Шу орқали талабаларимизнинг халқаро майдонда рақобатбардошлигини ошириш ва глобал миқёсда муваффақиятли карьера қуриш имкониятини тақдим этиш ниятидамыз. Малака ошириш дастурларини кенгайтириш билан бирга, илмий-тадқиқот ишлари га эътибор қаратамыз. Талабаларимизнинг илмий ютуқлари халқаро миқёсда тан олинishi учун бор билим ва тажрибамизни қўлаймыз. Тақдимотда Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти негизда Тарбия педагогикаси миллий институтини ташкил этиш белгиланди. Институт олдига “маҳалла — ота-она — мактаб” ҳамкорлигини қучайтириш, ота-оналар ва болалар учун тарбияга оид адабиётлар яратиш, жадидларнинг тарбиявий қарашларини илмий тадқиқ этиш каби вазифалар қўйилди. Бу ҳар бир ўқувчининг билим олишига алоҳида эътибор қаратилаётганини аңглатади. Зотан маҳалла, ота-она, мактабнинг ўзаро бирлашиб, фаолият юртиши боланинг баркамол шахс сифатида вояга етишига сабаб бўлади. Шахрисабз давлат педагогика институтини ҳам мактаб ва маҳалла билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ижара хонадонларда яшаётган талабаларнинг турмуш шaroити маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ўрганилмоқда. ОТМ педагогика йўналишига ихтисослашгани ҳамда талабаларимиз келгусида ёшларга таълим-тарбия беришини инноватга олиб, иқтидорини ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, институтда турли танловлар ташкил этилиб, уларнинг иқтидори синодан ўтказилмоқда. 2023-2024 ўқув йилида бир неча талабамиз Президент давлат стипендияси ҳамда номдор стипендияларга муносиб кўрилди. Энди ёшларнинг стартап гоъларини қўллаб-қувватлаш учун танловлар ташкил этиб, гоъларни реализация қилиш учун керакли ресурс ва имкониятлар тақдим этилди. Бу танловлар орқали талабалар инновацион гоъларини намойиш этиш ва тажрибали мутахассислар билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, бизнес режа тузиш, маҳсулотни бозорда жойлаштириш,

Ўзбекистонда аҳоли жуда зич яшайди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бир квадрат километр ер майдонига 82 киши тўғри келмоқда. Ваҳоланки, 1991 йилда бу кўрсаткич 44 нафар эди. Масалала ҳудудлар миқёсида эътибор қаратадиган бўлсак, Андижон вилоятида бир квадрат километрда 789,4 киши истиқомат қилса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 600 нафарга тенг.

Таҳлил

ИЧКИ МИГРАЦИЯ ВА УРБАНИЗАЦИЯ

Муаммолар қандай ҳал этилмоқда?

Айни пайтда Ўзбекистон аҳолиси сони 37 миллиондан ошди. Юртимизда йилга ўртача 700 мингдан зиёд чақалоқ дунёга келмоқда. Ҳар йили тахминан ярим миллион атрофида ўқувчи умумий ўрта таълим мактабларини битиради. Ўрта махсус ва олий ўқув юртларини тугатадиганлар ҳам кўп. Очиги, булар бир қарашда шунчаки рақамлардек туюлиши мумкин. Лекин ушбу сонлар ортида катта режалар, таҳлиллар, саъй-ҳаракатлар, мақсадлар мужассам. Масалан, ҳар йили ўртача 700-800 мингта иш ўрни яратилиши керак. Бу эса осон иш эмас.



Самандар ДОЛИЕВ, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари университети” Миллий тадқиқот университети докторанти

Ўзбекистонда аҳоли жуда зич яшайди. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бир квадрат километр ер майдонига 82 киши тўғри келмоқда. Ваҳоланки, 1991 йилда бу кўрсаткич 44 нафар эди. Масалала ҳудудлар миқёсида эътибор қаратадиган бўлсак, Андижон вилоятида бир квадрат километрда 789,4 киши истиқомат қилса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 600 нафарга тенг. Водийда илгари ҳам аҳоли жуда зич яшаган. Шунинг учун бу ердаги аҳоли ўтган асрнинг 30-40 йилларида Сурхондарё вилояти ва Тожикистон жанубига кўчирилган. Ўша аҳолининг авлодлари ҳозир ҳам ушбу ҳудудларда яшаётти. Кейинроқ Мирзаўлнинг ўзлаштирилиши туфайли ҳозирги Сирдарё ва Жиззах вилоятларига ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий кўчирмалар амалга оширилди. Чўл ҳудудларида мигрантлар ҳисобига қўллаб хўжаликлар ташкил этилди. Натижада ишга яроқли ўш мингга аҳоли иш ўринларига эга бўлди.

ичимлик сув, электр ва газ таъминоти, транспорт тизими, тиббий хизмат, мактабгача, бошланғич ва ўрта таълим муассасалари барпо этиш, тарғибот ва ташвиқот йўллари билан аҳолиси зич жойлашган вилоятлардан одамларни кўчириш, уларга шартномалар асосида ер ажратиб бериш, ишлаши учун шaroит яратиш, иқтисодий қўллаб-қувватлаб туриш лозим. Бу билан нимага эришилади? Аввало, “Деҳқон бой бўлса — юрт бой бўлади”, деган нақлнинг асоси шу ерда ўз тасдиғини топади. Фуқароларнинг вилоятлараро муносиби, яъни демографик жойлашшини оптималлашди, ишлов бериладиган ердан унумли фойдаланилиб, ҳосилдорлик ошди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари нархи арзонлашди, мева-сабзавот ва полиз экинлари экспорти кўпаяди, одамлар ҳаёти фаровонлашди. Мамлакат иқтисодини кўтариш, ишсизлар сонини камайтиришда урбанизациянинг роли жуда муҳим. Урбанизация лотинча “urbanus” сўзидан олинган бўлиб, “шаҳарлик” маъносини аңглатади. Кўчиб келиш ҳисобига жамият тараққиётида шаҳарларнинг роли ортиб боришини билдиради. Бу жараён шаҳарлар пайдо бўлгандан буюн давом этиб келмоқда. Масалан, 1800 йилда дунё аҳолисининг 3 фоизи



Ўзбекистондаги шаҳарлар жуда кенг ҳудудларни эгаллайди. Аҳолининг кўпчилиги хусусий ҳовлиларда яшайи туфайли деҳқончилик қилиш мумкин бўлган атрофдаги унумдор ерлар камайишига олиб келган. Бошқача айтганда, шаҳарларимиз бўйига эмас, энгига ўсган. Масалан, кейинги 15 йилда Тошкент аҳолиси 10,9 фоиз кўпайган бўлса-да, зичлиги бор-йўғи 2,2 фоиз ўсди. Шу вақт ичиде Марказий Осиёдаги бошқа шаҳарлар — Олмаота, Ашхобод ва Душанбеда эса зичлик ўсниси 26-36 фоизга тенг бўлди. Бу Ўзбекистонда шаҳарлар аҳолиси ўсишига етарли муносабатда бўлинмаганини кўрсатади. Урбанизацияни назорат қилишнинг ёмонлашуви одамлар фаровонлигига хизмат қилмайди.

Дунё тажрибаси кўрсатмоқдаки, урбанизация жараёни пастлиги ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарга келмаслиги уларнинг яхши яшашга интиласлигини кўрсатмайди, балки иқтисодиёт марказларига келиши учун қандайдир тўсқин борлиғидан нишона. Бунга мисолни узокдан излаш шарт эмас. Истиклолга эришганимиздан сўнг кўп йиллар Тошкентга келиш ва доимий рўйхатдан ўтиш тақиқланган эди. Энг қизиги, Ўзбекистон фуқаролари айрим давлатларда 10-15 кун юрган ҳолда мамлакат пойтахтида 3 кундан ортиқ юриши мумкин эмасди. Истаимизми, йўқми, бу Тошкент иқтисоди ривожига салбий таъсирини кўрсатди. Тошкент Марказий Осиёдаги энг аҳолиси кўп ва энг катта шаҳар, мегаполис бўлса-да, қўллаб хорижий компаниялар ҳамда ишбилармонлар бизнес юритиш учун бошқа пойтахтларни танлади ва ўша давлатларда ўз ваколатхоналарини очди. 2017 йилдан сўнг бу салбий ҳолатга чек қўйилди. Бутун қишлоқ одамларининг шаҳарга интилиши жуда кучли. Масалала давлат миқёсида эътибор қаратилган. Президентиимиз шаҳарларимизни обод қилиш билан бирга, уларга саноатни олиб кириш, инвестицияни ҳал этиш, ишлаб чиқариш ни кенгайтириш туфайли одамларни иш билан таъминлаш лозимлигини кўп бор таъкидлаган.

“ИЧКИ МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТЎҒРИ ТАҚСИМЛАШ, УРБАНИЗАЦИЯ РИВОЖИГА ЭЪТИБОРНИ ҚУЧАЙТИРИШ, СЎЗСИЗ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ОЧИЛИШИГА, АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИГА, ПИРОВАРДИДА ФАРОВОНЛИК ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

алоқа хизматлари, шунингдек, электр, газ, сув, канализация инфратузилмаси яхши ишлайди. Ушбу қулайликлар қишлоқ аҳолини шаҳарда яшашга ундайди. Ишлаб чиқаришнинг айрим турларини фақат катта шаҳарлардагина йўлга қўйиш мумкин. Масалан, концерт ва кўргазма заллари қуриш шаҳарлардагина ўзини оқлайди. Ўзбекистонда урбанизация даражаси 35,5 фоизга тенг. БМТ маълумотларига қараганда, бу Осиё қитъаси бўйича ўртача даражадан ҳам (48 фоиз) кам. Мазкур муаммога ўз вақтида ечим топилмаса, бу кўрсаткич янада пасайиши мумкинлигини Президентимиз 2018 йилда таъкидлаган эди. Шу бoис, 2030 йилга бориб, урбанизация даражасини 60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Қишлоқ-шаҳар миграцияси мамлакатда ижобий аҳамиятга эга. Зеро, аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшайди ва у ерда кўпайиш сурвати ҳам юқори. Бу мамлакат қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратишга биринчи даражали аҳамият бериш кераклигини аңглатади. Ҳўш, нима учун одамлар, айниқса, ёшлар пойтахтга интилимоқда? Бунинг бир неча сабаби бор. Биринчиси, Тошкент мамлакатнинг ишбилармонлик маркази, йирик бизнес субъектлари идоралари, республика миқёсидаги барча вазирлик ва қўмиталар шу ерда жойлашган. Иш ўринлари етарли, ойликлар ҳудудлардангидан сезиларли фарқ қилади. Бундан ташқари, ёшлар учун касбий ривожланиш имконияти юқори. Гарчи кейинги йилларда вилоят марказлари ва айрим шаҳарларда ҳам олий ўқув юртлари очилган бўлса-да, яқингача барча муҳим йўналишларда кадрлар тайёрлайдиган институт ва университетлар пойтахтда эди. Бундан чиқадиған ҳулоса шуки, барча вилоятлар марказларида, шунингдек, катта-кичик шаҳарларда Тошкентгадйдек шaroитни яратиш лозим. Шунда ривожланиш, тараққиёт мамлакат бўйлаб кенг ёйилади. Шу ўринда бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмас. Афсуски, XXI асрга келиб ҳам ноқонуний меҳнат бозорлари тугатилмаган ва бизда ҳам мавжуд. Улар халқ тилида “мардикор бозорлар”и дейилади. Бу бозорлардаги ёлланма ишчиларга қонун билан қафолатланган меҳнат шaroитлари яратилмаган. Ёлланма ишчилар, асосан, уйдаги турли юмушлар, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳасида фаолият юритади. Бу вақтинчалик фаолият. Энг ёмон, ишчиларда танлаш имконияти мавжуд эмас. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун аутсорсинг хизматини ташкил этиш лозим. Бундай хизматни махсус тузилган ширкатлар амалга оширади. Ишчилар, ўз навбатида, бу корхонага вақтинчалик эмас, доимий ишга олинади. Ширкатлар шартнома асосида бошқа субъектларга вақтинчалик ёки доимий хизмат кўрсатади. Масалан, фермер хўжалигига беш кунга чопиқ учун 50 та ишчи керак. Ер эгаси беш кун учун доимий равишда 50 кишини ишга ололмайди. Шартнома орқали вақтинчалик қонуний ишчи олиш эса вақт ва қўшимча ресурсларни талаб қилади. Шу бoис, фермер ноқонуний равишда 50 одамни ишга ёллагча мажбур. Аутсорсинг шaroитида бу 50 кишини махсус ширкат фермерга етказиб беради ва беш кундан сўнг бу ишчилар бошқа ишга йўналтирилади. Аутсорсингнинг афзаллиги, ишчилар мустақил иш изламайди ва бўш турмайди. Ушбу тизим Исроилда кенг ривожланган. Балки бундай иш усулидан бизда ҳам фойдаланиш вақти етгандир. Ички меҳнат миграциясини тўғри тақсимлаш, урбанизация ривожига эътиборни қучайтириш, сўзсиз, янги иш ўринларини очилишига, аҳоли бандлиги таъминланишига, пироваддида фаровонлик ошишига хизмат қилади.

Олтин сирға

Бошланиши 1-бетда

Ўброҳим Ғафуров

сабоқларидан узиндилар



Унутманг, Алишер Навоий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқиргонийдек кўп буюк боболаримиздан келаётган руҳ, нафас сизларда ҳозир ҳукмрон куч бўлиб турибди.

Ҳозирги ижодий машқларингиз бирдан дунёни эгаллаб ололмас, Ўзбекнинг қалбини шу онда ишғол қилмас, лекин ҳозир ёзаётганларингиз, ҳақиқий маънода, худди Абдулла Ориповнинг биринчи шеърлари, Эркин Воҳидовнинг “Қоратол”дек ажойиб шеъри каби қалбларни забт этиш учун йўлга чиққан бўлса, не ажаб!

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ТАНИҚЛИ МУНАҚҚИДНИНГ ЗОМИН СЕМИНАРИ ЁШ ИЖОДКОРЛАРИГА АЙТГАН УЙҒОҚ ФИКРЛАРИ

- Бугун сиз ёзаётган асарларни ҳозирги кунимизнинг нафасини акс эттираётган, халқимизнинг интилишлари, изланишлари, руҳоний, маънавий дунёсини кўрсатиб бераётган ва келажакнинг нажоткор эстетикаси, гўзаллигини ифодалаб бераётган асарлар, деб ўйлайман.
- Ҳаёт ва одамларни тинимсиз кузатинг. Кузатибгина қолмай, бу воқеаликларни ўтмиш ва келажак билан таққослашингиз керак. Бу эса сизда ижодкорликнигина эмас, мутафаккирликни ҳам уйғотади. Ижодкор бўлиш билан бирга мутафаккир, олим, бадиий мунаққид ҳам бўлинг! Мана шу жиҳатлардан ижодкор сифатидаги киёфангиз ҳосил бўлади. Биттаси кам бўлса ҳам ижодингизда тўқислик бўлмаслиги мумкин. Шу фазилатларни ўзингизда мужассам қилиш учун ҳар қандай машаққатга чидашингизга тўғри келади!
- Ижодкор учун энг керакли жиҳат нима? Ўзингизнинг ривоят, баён, бадиий услубингизни топиб олишингиз зарур. Қалбингиз нимага қодирлиги, қандай ўринга лойиқлиги, дунёнинг неча ботмон юқини кўтара олишингизни чамалаб олишингиз керак. Ҳозир баён услубингизни топмасангиз, янги ижод майдонларини эгаллашингиз қийин бўлади.
- Бўлажак шоир, ижодкор, носир, танқидчи, драматург сифатида ўзингизни ўзингиз кашф этишингиз керак.
- Ижодкор ўзини ўзи қандай яратади? Албатта, образли метафорик сўзлар, ифодалар воситасида. Ҳаётни, одамларни кўриб, минглаб тақдирларни кўз ўнгингизга келтириб, уларнинг аччиқ ва ширин кечмишларини кузатиб ўзингизни яратасиз.

Ўзингизни улкан ижодий ишларга қодир, деб ҳис қилишингизни ва шунинг билан, сезиш даражасида олдингизга муҳим ижодий мақсадлар қўйишингизни сўраган ва илтижо қилган бўлардим.

Сиз — келажакнинг нажоти бўлган, келажакни ўзингизнинг ижодий изланишларингиз, янгиликларингиз билан белгилайдиган ва Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиқадаган ёшларсиз. Шу боис, сизнинг ҳаёт ва ижод йўлингизга бепарво муносабатда бўлмаслигимиз керак.

Ёзувчи ва шоир ўзига хос услубни топа бошлар экан, олдида аниқ вазифалар қўйишига тўғри келади. “Юрагимда ёнган истевод чироғини ўчириб қўймаслигим учун қандай асарлар ёзишим ва қайси пайтларда қаламимни қўлга олишим керак?” деган савол ҳамиша сизни безовта қилсин!

Кўнгилдаги гаплар

1993 йил баҳори эди. Иштихон туманининг 50 йиллиги Наврўз байрами билан бирга нишонланадиган бўлди. Укам Ориф иккимизни туманимизнинг ўша пайтдаги раҳбари Тўрақул Йўлдошев чақиртириб қолди. Мен СамДўда талаба, Ориф 10-синф ўқувчиси эди. Кун кеч бўлиб қолганига қарамай, отамнинг етотида бирин-кетин қабулга кириб бордик. Ҳоким барваста елкали, қизил юзли, овози гулдираб чиқадаган киши экан. Эркалаб, елкамизга қоқиб кўришаркан, иссиқ, тийрак боқишини раҳматли Тўхташ бобомга ўхшатдим.



Мухаббат ТЎХТАШЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси

Хийла вақт сўхбатлашиб ўтирдик. Гап айлана-бйрамада ўқишимиз керак бўлган шеърга тақалди. Ватан мавзусидаги шеъримни ўқиб бердим. Ҳокимнинг шеърини таъби чакки эмас экан, бадииятга дахлдор маслаҳатлар бериб, байрам кайфиятида яна бошқа каттагина шеър ёзишимни тайинлади. Орифнинг мактабдаги баҳоларига алоҳида қизиқди, айниқса, математикадан илмоқли саволлар бериб кўрди. Кейин болалар, ҳайвонлар ҳақида ёзган шеърларини мароқ билан эшитаркан, қотиб-қотиб қолди. Шу аснода негадир укамни ўрнидан тургазиб бўй-бастини салмоқлаб ўлчади, ёшига нисбатан бўйи пастдек кўринди шекилли, “Қишлоқнинг боласи алдидай бақувват бўлиши керак, эрталаб югур, кетмон чоп, билагингни кучга тўлдир”, деди гулдираган овозда.

Орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай, катта стадионда, кейин “Оққуш” ресторанида байрам нишонланди, талай казо-казолар, доврўкли санъаткорлар келди. Байрам бошида турган

туман раҳбарининг ўзи бизни катта саҳнага чақириб, навбат бергани ҳали-ҳамон кўз ўнгимда турибди.

Шу кунни янги ёзган шеърларимизни катта ҳаяжон билан ўқидик. Ҳоким бобонинг қувончи тошиб, оталарча бағрига босиб, пешонамиздан ўтиб қўйган эди. Шундан кейин ҳам биз Тўрақул бобо билан туманнинг тантанали кунларида кўп марта кўришиб, дийдорлашиб турдик.

Энди диққатингизни янаям олисроққа, мустақилликдан ҳам аввалги йилларга қаратамиз. Иштихоннинг Олқор Дамин деган жуذا камтарин, бир қараганда, дарवेशга ўхшайдиган шоири билан отам қалин дўст эди. Кўпична улар адабий даврлардан чиқиб қойлашар, орада узун-узун сўхбатлар кечарди. Ориф иккимиз бир чеккада уларнинг гурунтини жимгина эшитиб ўтирар эдик.

Бир галги даврада шоир туманимизнинг аввалги раҳбари Азим Тиллаев ҳақида яхши гаплар айтиб қолди. Ўша йиллари мактабда оддий ўқитувчи бўлиб ишлаб юраркан. Бир кунни Чиллиқчи қишлоқидан ҳозир онласи яшайдиган Бўстонга кетаяйди, дархат саясида дам олади. Улов йўқ, кун эса иссиқ, сармақсидан дафтар-қалам олиб, шеър ёзиб ўтирса, узоқдан ҳашамамли машина қораси кўринади. Кўлини кўтариб, тўхтатади. Қараса, машинада туман раҳбари Азим Тиллаев ўтирган эмиш. Шоир анча тортиноқ одам эди, уялиб, қаловлашиб қолади, аммо бошқа улов йўқлиқдан ноилож машинага чиқиб ўтиради. Йўл-йўлакай сўхбатлашиб кетишади. Нима ёзаётган эдингиз, деб сўрайди қизиқсиниб Тиллаев. Илҳомим келиб қолди, шеър ёзиб ўтирувдим, дейди шоир. Матанга етиб келган, Тиллаев шоирга эртага эрталаб қабулгига боришни тайинлаб, ҳайрлашиб, жўнаб кетади.

Эрталаб қабулгига борган шоирни туман раҳбари зўр эҳтиром билан кутиб олади. Худди эртақлардагидек “Тиланг тилагингизни, сизга қандай ёрдам бера оламман?”, дейди баралла. Аваалига шоир Ҳазрати Хизрга йўлиқиб қолмадимми, деган ўйда шошиб қолади. Ростадан ҳам нақ эртанинг эслатадиган сеҳри ҳислар, лаҳзалар ўраб олганди шу тобада шоирни. Нима сўраса экан-а? Тошкентда анча йиллар “Ўқитувчи” нашриётида ишлади, ўзи у ёқда, онласи бу ёқда аро

Ўз ҳаётининг илшидир

йўлда қийналди. Бунинг устига Ёзувчилар уюشمасига аъзоликка олишмапти. Мана, ноилжликдан яна қишлоғига қайтиб келиб, ўзи ўқиган мактабда ишлаб юрибди. Туман раҳбарига Олқор Дамин ҳозиргина ҳаёлидан ўтказган мана шу гапларни айтиб беради. Шу кундан бошлаб унинг иши юришиб кетади. Уй қуриши учун Чиллиқчи қишлоқидан ярим гектар ер ажратилиб, қурилиш учун зарур ашёлар ўз нархида етказиб берилади.

Мана бу воқеага эса уч йил бўлди. “Дўрмон” ижодий гуруҳининг юз нафардан ортиқ аъзоси биргаликда аввал Хоразмга, кейин эса Фарғонага ижодий сафарга бордик. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ёзувчилар уюشمаси вилоят бўлими, қатор ташкилотлар тик оёқда туриб хизмат қилди. Уларнинг адабиётга, ижодга улкан меҳридан тамомила ҳайратландик. “Хоразм зиёрати” номли шеъримни ёзганман ўшанда. Фарғонада эса вилоят ва туман раҳбарлари биз билан ёнма-ён юрди, тадбирларда тенгма-тенг шеърлар ўқиди... Айниқса, ўша пайтда Учқўрғи туманига раҳбарлик қилган (ҳозир Сирдарё вилояти ҳокими) Акмалжон Маҳмудалиевнинг қиёфаси, кенг гардиши кўзойнаги ва ёқимтой чехрасини ҳеч қачон унутмаймиз. Шоирларга бир кунини бағишлаб, тумандаги иқтидорли ўқувчилар, кутубхоналар, музейлар фаолияти билан бир-бир таништириб, қалбини қалбига пайваста қилиб юрганини унутиб бўладими, ахир?! Шунингдек, сафаримиз мобайнида Қўқон шаҳри ҳокими Маъруфжон Усмонов, Буйайда тумани ҳокими Бекхўд Иброҳимовдан ҳам беҳад миннатдор бўлганмиз.

Учқўрғи туманида эканимизда бизнинг туманимиз раҳбари ҳам шундай бўлса, баҳам-жиҳат тадбирлар қилсақ, келиб ёнимизда ўтирса, фикрлашсақ, кенгашсақ, деган ёниқ истак ич-ичимни ёндириб ўтди. Орадан бир йил ўтди ё ўтмади, туманимизга янги ҳоким тайинлангани хабарини эшитдик. Орагимдаги бўлтурги олов яна ловуллади. Шу истак билан бир кунни ҳокимлик томон дадил йўл олдим. Янги ҳокимни кўргим, танишгим келди. Ниятим ҳолис экан, Фазлиддин Рўзиев билан эшикда рўбарў келиб қолдик. Қирравершида мулоқот хонаси бор экан, сизга гапим бор, дейишим билан шу жойга бошладик. Ёш ва шижоатли, тик қоматли, қулғичлари ўзига гўят ярашиб турар эди. “Сиз Тошкентдаги ижод аҳлини йиғиб келинг; Иштихондагиларни ўзимиз чақириб, биринчи танишув тадбирини ўтказамиз”, деди

тантилик билан. Бу таклифдан бениҳоя шод бўлдим. Хайрлашаётиб, негадир кетмай туришимни тайинлади-да, шошиб машинаси томон юрди ва кўлида бир талай китоб билан қайтди. Орасидан қалин икки китобни — турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг “Яшил кеча”, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асарларини ажратиб, менга ҳада қилди. Дастлаб лол бўлиб қолдим, ўзи билан китоб олиб юрадиган инсонни кўриш чиндан ҳам ёқимли ва ҳайратли эди. Гўё чироқ ёққандай кўнглим ёришиб кетди.

Шундан кейин Иштихонда адабиётнинг туздай татимли кунлари бошланди. Қабатимга ижодкорлар Гулчехра Усмонова, Тўлқин Эшбек, укам Ориф Тўхташ қўшилди, ўзаро маслаҳатлашдик. Иштихон ижод



мактаби янги бичимда, янги руҳда, янги нафасда фаолият бошлади. Мактабнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаси очилди. У вақтлар ҳар битта мактабда тарғиботчилар ишлаб турар эди, уларни ҳам сағимизга қўшиб олдик. Бирин-кетин Иштихон ижод дунёсига байрамлар бошланди кетди. Ёзги ва қишки кутубхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди, уй-музейлар очилиши, янги китоб тақдими, шоир-ёзувчиларнинг юбилейи саналари, ёш ижодкорларнинг илк китобини чоп этириб бериш, хотира маросимлари...

Масалан, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан Иштихон ижод мактабининг бугун орамизда бўлмаган ижодкорлари —

Абдулла Турдиев, Зайниддин Баҳридиннов, Олқор Дамин, Бахтиёр Рабимқул, Ўткир Саидов, Тошўлат Мавлонов, Ибодхон Баҳодиров, отам Абдумажид Тўхтасhev ерқин хотира-си ёдга олинди. Уларнинг ибратта тўла ҳаёти, қолдирган ижод намуналари эътироф этилди.

Шуқри, бундай шире шакар тадбирлар бугун Фазлиддин Рўзиев бошчилигида бир пайтлар биз ҳавас қилгандек жозибали ўтказилмоқда. Иштихон ижод мактабида бугун эллиқдан зиёд ижодкор ҳормай-толмай ижод қилмоқда, назм ва насрдаги китобларини халқимизга тақдим этмоқда.

Самарқанддаги буюк алломаларнинг уч нафари Иштихонда туғилган. Булар калом илми билимдон Имом Мотуриддиннинг шогирди Имом Абул Ҳасан Растуғфоний, Бурҳониддин Соғаржий ва Сўфи Оллоҳёрдир. Ушбу алломалар ҳақида олим Комилжон Каттаевнинг “Иштихоний олимлар силсиласи”, “Имом Абул Ҳасан Растуғфоний ва унинг салаф издошлари”, “Шахъ ас-Соғаржий ва Иброҳим ас-Самарқандий тарихи” номли китоблари ҳокимлик ҳомилийида нашр қилингани ҳам Иштихон адабий муҳитидаги катта ҳодисалардан бўлди. Буларнинг барчаси ҳақида бугун қувона-қувона гапиряпмиз...

Эътибор ва кичик эътирофнинг ўзи ижодкор бошини осмон қилар, янги марралар сари руҳлангирган ҳолда юратига илҳом бахш этаркан. Қолаверса, тунарларни тонгга улаб, не-не заҳмат билан ёзган асарлари, аслини олганда, шу халқнинг кўнглидаги кечинмалар эмасми!?

Кўнғил одами дея таърифланадиган ижодкорлар бугун ҳар қачонгидан ҳам фаоллашмоқда. Зеро, адабиётга эътибор ва китобхонлик маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар мамлакатимиз бўйлаб кун сайин кенг қулоқ ёзмақда. Поштахтимиз марказида бунёд этилган ва ҳатто қўлаб хорижий ижодкорларнинг ҳавасини келтираётган “Адиблар хиебони”, унга ёндош тарзда кўпсонли қалам аҳли учун қуриб берилган уй-жойлар, айнан ижодкорлар муносиб дам олиши учун мўлжалланган “Заркент” ижод уйи ҳамда санаторийлар, таниқли шоир-ёзувчиларнинг тантанавор нишонланаётган юбилейлари, китоб тақдимиотлари, китобхонлик бўйича танловлар... Қайси бирини айтсам экан, деб қаловлашиб қолади одам гоҳида.

Шу ўринда кўз ўнгимизда Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аббор” асаридаги учинчи мақолат — “Султонлар ҳақида”ги бобда келтирилладиган шоҳ Ғозий образи гавдаланади. Эсингизда бўлса, у жангдан ғалаба билан қайтиб келар экан, бир кампир йўлини тўсиб, ҳалок бўлган ўғлининг хунини сўрайди. Шунда ҳукмдор ҳурмат билан отдан тушади ва унинг олдида икки нарса — бир халтача олтин билан ўзининг бошини қўяди. Қайси бирини истасан, шунини ол, дейди. Еки бўлмаса, “Сади Искандарий” достонида шоҳ Искандар яхшилиқ ва ёмонлик ўртасига девор қурдириб, инсонларни ваҳшийлар зулмидан қутқаради. Ҳа, Навоий ў асарларини шундай дорилмамон кунлар ва одил подшоҳларни орзу қилиб ёзган бўлса, не ажаб!?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, болаларнинг сеvimли адабиби Худойберди Тўхтабев бир сўхбатда бундай деган эди: “Адабиётга мен фельетончи бўлиб кириб келганман. Жамиятдаги иллатлар, зўравонликлар, қолғичликлар билан тинимсиз олишардим. Эрталаб қўларим мушт бўлиб уйғонардим. Алам билан, нафрат билан, ғазаб билан фельетон ёзиб юриб-юриб шундай қувона-қувона гапиряпмиз...

Эътибор ва кичик эътирофнинг ўзи ижодкор бошини осмон қилар, янги марралар сари руҳлангирган ҳолда юратига илҳом бахш этаркан. Қолаверса, тунарларни тонгга улаб, не-не заҳмат билан ёзган асарлари, аслини олганда, шу халқнинг кўнглидаги кечинмалар эмасми!?

Кўнғил одами дея таърифланадиган ижодкорлар бугун ҳар қачонгидан ҳам фаоллашмоқда. Зеро, адабиётга эътибор ва китобхонлик маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар мамлакатимиз бўйлаб кун сайин кенг қулоқ ёзмақда. Поштахтимиз марказида бунёд этилган ва ҳатто қўлаб хорижий ижодкорларнинг ҳавасини келтираётган “Адиблар хиебони”, унга ёндош тарзда кўпсонли қалам аҳли учун қуриб берилган уй-жойлар, айнан ижодкорлар муносиб дам олиши учун мўлжалланган “Заркент” ижод уйи ҳамда санаторийлар, таниқли шоир-ёзувчиларнинг тантанавор нишонланаётган юбилейлари, китоб тақдимиотлари, китобхонлик бўйича танловлар... Қайси бирини айтсам экан, деб қаловлашиб қолади одам гоҳида.

Эътибор берган бўлсангиз, бугунги сўзимиз фақат адабиёт ҳақида бўлди. Адабиёт оламида Иштихон туманидаги кеча ва бугунги кимдир эшитган, кимдир ҳали эшитмаган гаплар, бугунги маърифий ва маънавий кенгашлар ҳақида. Ижод аҳлига бегараз хизмат ва яхшиликлар ҳақида. Чунонки, ҳаёт адабиётни қанчалик қўлаб-қувватласа, адабиёт ҳаётни, дунёни қутқаради. Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса — миллат ашар”, деган пурмамо сўзи бор.

Сўз — бу адабиёт, сўз — бу шоҳ Ғозий адолати, сўз ҳаётнинг илигидир.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.